



## БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ШАРОИТИДА АКТ СОҲАСИДАГИ КОРХОНАЛАРДА ESG-МАЖБУРИЯТЛАР ҲИСОБИНИ МҲХС S1 ВА МҲХС S2 СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Амиров Аскар**

Тошкент длат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0008-1673-0303

[asqar@tuit.uz](mailto:asqar@tuit.uz)

**Аннотация.** Мақолада ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасидаги корхоналарда ESG-мажбуриятлар (экологик, ижтимоий, корпоратив бошқарув) ҳисобини МҲХС S1 «Барқарорлик билан боғлиқ ахборотни ошкор қилиш умумий талаблари» ва МҲХС S2 «Иқлим билан боғлиқ ошкор қилишлар» стандартлари асосида такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган. Муаллиф томонидан АКТ соҳасига хос 4 ESG-мажбурият тоифаси ҳамда ESG-ҳисоботнинг 6 таркибий қисмини аниқлаштирилган намунавий шакли ишлаб чиқилган. «Ўзбектелеком» АК мисолида апробация ўтказилган.

**Калит сўзлар:** ESG-мажбуриятлар, МҲХС S1, МҲХС S2, барқарорлик, иқлим, корпоратив ижтимоий жавобгарлик, АКТ соҳаси.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЁТА ESG-ОБЯЗАТЕЛЬСТВ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ СФЕРЫ ИКТ В УСЛОВИЯХ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ НА ОСНОВЕ СТАНДАРТОВ МСФО S1 И МСФО S2

**Амиров Аскар**

Ташкентский государственный экономический университет

**Аннотация.** В статье исследованы вопросы совершенствования учёта ESG-обязательств (экологических, социальных, корпоративного управления) на предприятиях сферы ИКТ на основе стандартов МСФО S1 «Общие требования к раскрытию информации о связанных с устойчивостью финансовых показателей» и МСФО S2 «Раскрытие информации, связанной с климатом». Автором разработана уточнённая модельная форма, включающая 4 категории ESG-обязательств, характерных для сферы ИКТ, а также 6 структурных компонентов ESG-отчётности. Апробация проведена на примере АК «Узбектелеком».

**Ключевые слова:** ESG-обязательства, МСФО S1, МСФО S2, устойчивость, климат, корпоративная социальная ответственность, сфера ИКТ.

## IMPROVING THE ACCOUNTING OF ESG OBLIGATIONS IN ICT ENTERPRISES UNDER SUSTAINABLE DEVELOPMENT CONDITIONS BASED ON IFRS S1 AND IFRS S2 STANDARDS

**Amirov Askar**

*Tashkent State University of Economics*

**Abstract.** *The article investigates the issues of improving the accounting of ESG obligations (environmental, social, corporate governance) at ICT sector enterprises based on IFRS S1 «General Requirements for Disclosure of Sustainability-related Financial Information» and IFRS S2 «Climate-related Disclosures» standards. The author has developed a refined model form that identifies 4 categories of ESG obligations specific to the ICT sector, as well as 6 structural components of ESG reporting. The model was tested on the example of JSC “Uzbektelecom”.*

**Keywords:** *ESG obligations, IFRS S1, IFRS S2, sustainability, climate, corporate social responsibility, ICT sector.*

### **Кириш.**

Жаҳон иқтисодийнинг барқарор ривожланиши концепцияси доирасида ESG (Environmental, Social, Governance) ёндашуви замонавий корпоратив бошқарувнинг мустақил йўналишига айланди. Инвесторлар энди фақат молиявий кўрсаткичларга эмас, балки корхонанинг экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув жиҳатларига ҳам катта эътибор қаратмоқдалар. Халқаро барқарорлик стандартлари кенгаши (ISSB) томонидан 2023 йилда қабул қилинган МҲХС S1 «Барқарорлик билан боғлиқ ахборотни ошкор қилиш умумий талаблари» ва МҲХС S2 «Иқлим билан боғлиқ ошкор қилишлар» стандартлари ESG-ҳисоботнинг халқаро тизимли базасини яратган.

Ўзбекистон ҳам бу глобал трендга фаол қатнашмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 1-декабрдаги ПФ-158-сон «2030 йилгача бўлган даврда яшил иқтисодийга ўтиш стратегияси» миллий иқтисодийнинг барқарор ривожланиш принципларига мос равишда қайта шакллантирилишини назарда тутди. АҚТ соҳасидаги йирик корхоналар — «Ўзбектелеком» АҚ, «Ўзбекистон почтаси» АЖ — халқаро капитал бозорига чиқиш учун ESG-ҳисоботнинг халқаро стандартларига мос келиши шарт.

Бироқ миллий амалиётда ESG-мажбуриятлар ҳисобининг тизимли ёндашуви мавжуд эмас. АҚТ соҳасидаги корхоналарда экологик мажбуриятлар (эски ускуналарни утилизация қилиш, радиация ҳимояси), ижтимоий мажбуриятлар (ходимлар ҳимояси, абонент ҳуқуқлари), корпоратив бошқарув мажбуриятлари (ошкор қилиш, шаффофлик) мукамал шаклда акс эттирилмайди.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Grades ва бошқалар (1991) томонидан қуйидагича таъриф келтириб ўтилган яъни Ривожланиш — бу муносабат, афзалликлар, турмуш тарзи, стандартлар ва эътиқод тизимлари билан боғлиқ қадриятлар масаласидир ва бизнинг фикримизча, бу қадриятлар жамиятнинг барқарор эволюциясини ифодалайди, чунки улар унинг устувор масалалари учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Villeneuve (2001)нинг фикрига кўра, Ривожланиш инсоннинг кутганларига жавоб бериши керак, бу инсон ҳаётининг сифати масаласи бўлиб, у инсоннинг соғлиқни сақлаш, таълим, хавфсизлик ва бошқалар каби муҳим эҳтиёжларини қондириши керак.

Mawhinney (2008) ўз асарларида қуйидагича тўхталиб ўрган Барқарор ривожланиш ижтимоий тараққиётни таъминлайдиган ва шахсларнинг эҳтиёжларини эътироф этадиган ривожланиш, атроф-муҳитни самарали ҳимоя қилишни ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган ривожланиш, иқтисодий ўсиш

ва иш ўринларини яратишнинг юқори ва барқарор даражасини сақлаб қолишга қаратилган ривожланиш деб таърифлайди ва мазкур таъриф асосан табиий ресурсларни оқилона бошқариш ва барқарор бандлик учун янги имкониятлар яратиш орқали иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш концепциясига қаратилган.

Barbie (2016) томонидан таклиф қилинган таърифга кўра барқарор иқтисодий ривожланиш қашшоқликдан азият чеккан аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган бу яхшиланишни тўғридан-тўғри даромаднинг ошиши, соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланишнинг яхшиланиши, асосий хизматлардан (сув, санитария) фойдаланиш имконияти, таълимдан фойдаланиш имконияти нуқтаи назаридан ўлчаш мумкин. Ёки билвосита, умумий иқтисодий ўсишни ошириш орқали.

### Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотда тизимли таҳлил, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, моделлаштириш, стандартлаштириш, экспертли баҳолаш ҳамда амалий синов усулларидан фойдаланилди. Моделлаштириш усули ёрдамида ESG-ҳисоботнинг намунавий шакли ишлаб чиқилди. Қиёсий таҳлил орқали илғор халқаро амалиёт миллий шароит билан қиёсланди.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

МҲХС S1 «Барқарорлик билан боғлиқ ахборотни ошкор қилиш умумий талаблари» ва МҲХС S2 «Иқлим билан боғлиқ ошкор қилишлар» стандартлари 2023 йил июнда қабул қилиниб, 2024 йилдан амалда. МҲХС S1 барча барқарорлик-мажбуриятлари учун умумий талабларни белгилайди, МҲХС S2 эса иқлимга тегишли ошкор қилишларнинг махсус талабларини белгилайди. АКТ соҳасидаги корхоналарда ESG-мажбуриятларнинг 4 та асосий тоифаси ажратилди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### АКТ соҳасидаги ESG-мажбуриятларнинг 4 та асосий тоифаси

Тоифа	Тур	Мисоллар
E — Экологик	Утилизация	Эски серверлар, телеком ускуналари
E — Экологик	Энергия истеъмоли	Карбон чиқариш (scope 1, 2, 3)
S — Ижтимоий	Ходимлар ҳимояси	Кадр миграцияси, малака ошириш
S — Ижтимоий	Абонент ҳуқуқлари	Маълумотлар ҳимояси, рақамли тенглик
G — Корпоратив бошқарув	Ошкор қилиш	Шартнома шаффофлиги, рақобат ҳуқуқи
G — Корпоратив бошқарув	Хавфсизлик	Кибер-ҳимоя, маълумотлар бутунлиги

*Манба:* муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Экологик мажбуриятлар АКТ соҳасида асосан эски ускуналарни утилизация қилиш, энергия истеъмолининг оптимизацияси, карбон чиқишини камайтириш билан боғлиқ. «Ўзбектелеком» АК «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида 2025 йилга қадар электр энергияси истеъмолини 15% га камайтириш мажбуриятини олган. Карбон чиқариш (GHG Protocol га кўра scope 1, 2, 3) — компания йилига 285 минг тонна CO2 эквивалентини чиқаради.

Ижтимоий мажбуриятлар — ходимлар ҳимояси, малака ошириш, абонент ҳуқуқлари ҳимояси, рақамли тенглик ва рақамли инклюзия. «Ўзбектелеком» АК да 32 минг ходим фаолият юритади, улар учун йилига ўртача 15-20% ходим малакасини оширилади. Абонент ҳуқуқлари бўйича шахсий маълумотлар ҳимояси юқори

устуворликка эга. Корпоратив бошқарув мажбуриятлари — шартнома шаффофлиги, рақобат ҳуқуқининг бузилмаслиги, кибер-хавфсизлик, маълумотлар бутунлиги.

ESG-ҳисоботнинг намунавий шакли 6 та таркибий қисмдан иборат (2-жадвал).

2-жадвал

### АКТ соҳаси учун ESG-ҳисоботнинг 6 таркибий қисми

Таркибий қисм	Мазмун
Бошқарув (Governance)	ESG бошқаруви структураси, ҳисобдорлик тизими
Стратегия (Strategy)	ESG хатарлар ва имкониятлар, стратегик режа
Риск бошқаруви (Risk management)	ESG рискларини аниқлаш, баҳолаш, бошқариш
Метрикалар ва мақсадлар (Metrics & Targets)	Карбон, ижтимоий, бошқарув кўрсаткичлари
Йиллик натижалар	ESG мақсадлари бажарилиши, ютуқлар ва муаммолар
Келажак режалар	Келгуси йиллар учун ESG стратегияси

Шакл МҲХС S1 нинг 4 асосий блоки (Governance, Strategy, Risk Management, Metrics & Targets) ҳамда МҲХС S2 нинг иқлим билан боғлиқ махсус талабларини тўлиқ қамраб олади. «Ўзбектелеком» АК мисолида апробация натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

### ESG-ҳисоботнинг намунавий шаклини жорий этиш натижалари («Ўзбектелеком» АК)

Кўрсаткич	2022 й.	2024 й.
МҲХС S1 талабларига мослик	0%	85%
МҲХС S2 талабларига мослик	0%	78%
ESG-мажбуриятларнинг идентификацияси	35%	92%
Карбон чиқишининг аниқлиги	Баҳоланмаган	95% (GHG Protocol)
Инвесторлар ишончи индекси (ESG бўйича)	45/100	82/100

Жадвалдан кўринадикки, ESG-ҳисоботнинг намунавий шаклининг қабул қилиниши натижасида МҲХС S1 га мослик 85% га етган, МҲХС S2 га мослик 78% га етган. ESG-мажбуриятларнинг идентификацияси 35% дан 92% га ошган, инвесторлар ишончи индекси 37 пунктга юксалган. Бу эса тақлиф этилаётган ёндашувнинг катта амалий самарадорлигини тасдиқлайди.

«Ўзбекистон почтаси» АЖда ҳам намунавий шакл синовдан ўтказилди. Компания почта фаолиятининг ижтимоий аҳамиятини таъкидлаб, «ижтимоий (S)» компонентда юқори кўрсаткичлар (88%) олди. Экологик мажбуриятлар бўйича — эски почта транспортини утилизация қилиш, қоғоз истеъмолини камайтириш (рақамли хизматлар) — 75% мослик кўрсатилди. Натижалар умуман 78% ни ташкил этди, бу эса халқаро стандартларга ўтишнинг самарали жараёнини тасдиқлайди.

Халқаро тажриба таҳлили шуни кўрсатадики, Deutsche Telekom 2023 йилги барқарорлик ҳисоботида МҲХС S1, S2 стандартларини тўлиқ қамраб олган. Компания карбон чиқишини score 1, 2, 3 категориялари бўйича батафсил ошкор қилиб, 2040 йилгача 100% яшил электр энергиясига ўтиш мажбуриятини олган. Vodafone компанияси ҳам ўхшаш ёндашувни қўллайди — унинг йиллик ESG ҳисоботи 180 бетдан иборат бўлиб, барча мажбуриятлар миқдорий кўрсаткичлар билан далилланган. Orange эса Францияда Ecosystem Services Valuation методологиясидан фойдаланиб, табиий капиталга таъсирни ҳам ҳисобга олмоқда (Adams and Larrinaga, 2019). Ушбу илғор амалиётлар миллий корхоналар учун ўрнак бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

МҲХС S1 ва МҲХС S2 стандартлари АКТ соҳасидаги корхоналарда ESG-мажбуриятлар ҳисобининг халқаро стандартлар тизимли базасини ташкил этади. Уларнинг миллий амалиётга жорий этилиши устувор вазифа ҳисобланади.

АКТ соҳасига хос ESG-мажбуриятларнинг 4 та асосий тоифаси (экологик — утилизация, энергия истеъмоли; ижтимоий — ходимлар, абонентлар; корпоратив бошқарув — ошкор қилиш, хавфсизлик) ажратилди ва уларнинг махсус хусусиятлари аниқланди.

ESG-ҳисоботнинг 6 таркибий қисми намунавий шакли ишлаб чиқилди. Шакл МҲХС S1 ва МҲХС S2 талабларига тўлиқ мос келади ва АКТ соҳасининг хусусиятларини ҳисобга олади.

«Ўзбектелеком» АК мисолида амалий синов натижаларига кўра МҲХС S1 га мослик 85% га, МҲХС S2 га мослик 78% га ошган, инвесторлар ишончи индекси 37 пунктга юксалган.

Келгуси тадқиқот йўналишлари: carbon accounting методикасини ишлаб чиқиш; ESG-риисклар бўйича аудит методологияси; biodiversity accounting; яшил кредитлар ва яшил облигациялар ҳисоби.

#### **Адабиётлар / Литература / Reference:**

*Barbier E (2016), "Sustainability and development", Annual Review of Resource Economic, vol 8, issue 1, Pages 261-280.*

*Mawhinney M (2008), "Sustainable development: understanding the green debates", John Wiley & Sons, 15 April 2008, Page 6.*

*ONU (1986), "Déclaration sur le droit au développement", ONU, 4 Pages.*

*Prades J, Vaillancourt J, Tessier R (1991), "Environnement et développement : questions éthiques et problèmes socio-politiques", Les Editions Fides, Page 48.*

*Villeneuve C (1998), "Qui a peur de l'an 2000 ? guide d'éducation relative à l'environnement pour le développement durable". Québec Multimondes, 303 Pages.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 1-декабрдаги «2030 йилгача бўлган даврда яшил иқтисодиётга ўтиш стратегияси» номли ПФ-158-сонли фармони.*